

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*Ибраимова Маржона Ўрал қизи*  
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси*  
*3-курс 313-гуруҳ курсанти*

**Аннотация.** Бугунги кунда Ўзбекистонда хотин-қизлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг муҳим аҳамияти ва вазифаларини амалга ошириш тизимини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда керакли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

**Аннотация.** В целях предотвращения преступлений и преступлений, совершаемых женщинами в Узбекистане сегодня, изучить и проанализировать систему реализации реформ, реализуемых в целях повышения их общественной и политической активности, а также важное значение и задачи принимаемых мер по поддержке женщин. и девочек. Внесение и разработка необходимых предложений и рекомендаций имеет неотложное значение.

**Annotation.** In order to prevent crimes and crimes committed by women in Uzbekistan today, to study and analyze the system of implementation of the reforms implemented in order to increase their social and political activity and the important importance and tasks of the measures taken to support women and girls. making and developing the necessary suggestions and recommendations is of urgent importance.

**Таянч сўзлар:** хотин-қизлар, ҳуқуқбузарликлар, жиноят, ижтимоий-сиёсий фаоллик, фармонлар, Хотин-қизлар давлат қўмитаси, қўмитанинг вазифалари.

**Ключевые слова:** женщины, преступления, преступность, общественно-политическая деятельность, указы, Государственный комитет по делам женщин, обязанности комитета.

**Key words:** women, crimes, crime, socio-political activity, decrees, Women's State Committee, committee's duties.

**Кириш.** Тарихимизга назар солсак, қанчадан қанча буюк ишлар борасида Тўмарис, Бибихоним, Нодирабегим, Увайсий, Зулфия каби аёллар турганига гувоҳ бўламиз. Улар ўз жасорати, ақл-идроки ва мардлиги билан тарихга ўз исимларини муҳирлаб қўйган. Шундай сиймолар давомчилари эканлигимизнинг ўзиёқ бугунги кун хотин-қизларига ғурур ва шараф туйғуларини ҳис қилишга сабаб

бўла олади. Юртимиз мустақилликка эришгач, хотин-қизларнинг ҳар соҳада ижтимоий-сиёсий фаоллигига бўлган эътибор юксалди. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ҳамда имкониятларини рўёбга чиқариши учун керак бўлган шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шунга қарамадан, хотин-қизларимиз орасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг паст даражада эканлиги, чиқарилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни етарли даражада тушунмаслик ёки нотўғри талқин қилинаётганлиги, хотин-қизларимизда боқимандалик ҳиссининг кучайиб бораётганлиги, енгил даромад топиш мақсадида турли ҳил ноқонуний ишларга қўл ураётганлигига кўплаб маротаба гувоҳи бўляпмиз. Жамиятимиз ҳаётида оилавий-маиший соҳада юзага келаётган кўнгилсиз ҳолатларнинг кўпайиб бораётганлиги, оилавий-маиший низолар, оилавий-маиший ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг мамлакатимизнинг статистика маълумотларида юқори ўринлар эгаллаб келаётганлиги барчамизга маълум. Бундай ҳолатларни бартараф этиш мақсадида бугунги кунда бир қаор ишлар амалга оширилмоқда.

**Асосий қисим.** Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 2-февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари” тўғрисида ПФ-5325-сонли Фармони элон қилинди<sup>1</sup>. Мазкур Фармон асосида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, таълим муассасаларида раҳбар аёлларнинг ўқув жараёнида иштирокининг самарадорлигини ошириш соҳасида олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Умуман олганда, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқийини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Зеро, жамият ривожини хотин-қизларсиз, уларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис аёлларнинг оилада ҳам, давлат ва жамоат ишларида ҳам эмин-эркин фаолият юритишлари, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқариш йўлида мамлакатимиз миқёсида қатор чоратадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистонда ёшлар, қариялар, хотин-қизлар, оила ва маҳалла давлатнинг институционал бошқаруви субъекти сифатида кўрилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 1-мартдаги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 2-февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5325-сонли Фармони

“Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармонида оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг 7 та устувор йўналиши, шунингдек, аҳолининг маълум бир ёш ва жинс қатламлари билан иш олиб боровчи вазирликлар сони яна биттага ортиб: Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги сифатида қайта ташкил этилиб, янги орган-Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси очилиб, ушбу қўмитанинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгилаб берилди<sup>2</sup>.

Қўмитанинг вазифа ва функциялари:

- хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини ошириш, гендр тенглиги кафолатларини таъминлаш, илмий фаолиятга кенг жалб қилиш;

- оила ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оила ва хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш;

- хотин-қизларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун зарур шароитлар яратиш, қишлоқ жойларидаги хотин-қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш;

- хотин-қизлар ўртасида соғлом турмиш тарзини шакиллантириш, оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш;

- хотин-қизлар йўналишидаги нодавлат ноижорат ташкилотлар фаолиятига ёрдам кўрсатиш.

Ушбу Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари ҳам очилди. Уларнинг раҳбарлари эса ҳоким ўринбосарлари бўлди. Маҳаллаларда хотин-қизлар фаоли лавозими жорий этилди.

Қўмита Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда “Аёллар дафтари” жамғармасини бошқаради. Ушбу қўмита тўлақонли давлат органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 7-мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 1-мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармони.

жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сон Фармони<sup>3</sup> билан 2022-2026-йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурни 2022-2023-йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Мазкур ҳужжатлардан оила институтини янада мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларни рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги нуфузини, фаоллигини ошириш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш, ташкилотчилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар кўламини кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018-йил 8-март “Халқаро хотин-қизлар куни” байрамига бағишланган учрашувдаги нутқида шундай деган: “Ўзбекистон деб аталган жонажон Ватанимизда ҳар қайси мард йигит, аввало, меҳрибон онаси, оиласи, фарзандлари бахтли бўлишини истайди, албатта. Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, бу йўлда ўзининг бутун борлигини бағишлашга тайёр туради.”<sup>4</sup>

Жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш зарур:

- хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш масалаларини ўз ичига олган дастурлар ишлаб чиқиш;

- хотин-қизларнинг ўз-ўзини банд этиш ва тадбиркорлик ташаббускорларига кўмаклашиш;

- кўшимча иш ўринларини яратиш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кенгайтириш, улар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида давлат даражасида қуйидаги чораларни кўриш зарур:

- янги иш ўринларини яратиш;

- халқаро банк жамғармалари ва ташкилотларни хотин-қизларнинг ижтимоий заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш учун кичик имтиёзли кредитлар олиш имкониятларини ташкил этишга жалб этиш;

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 7-мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сон Фармони.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018-йил 8-март “Халқаро хотин-қизлар куни” байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи.

-уй бекаси бўлган хотин-қизларни банд қилиш бўйича бепул ўқув курсларини очиш;

-хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун маҳалла миқёсида ишлаш, миллий қадриятларимизга асосланган миллий ҳунар турларининг йўқ бўлиб кетмаслиги учун хотин-қизларимизни жалб этиш;

-Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасини ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бевосита субъектлари қаторига киритиш.

**Хулоса** қилиб айтадиган бўлсак, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим омили ҳисобланади. Зеро аёл-оила устун ва жамият кўрки. Оилаларимиз тинч ва фаровон бўлса, жамиятимиз, давлатимиз ҳам мустаҳкам оилалар негизига қурилган давлат бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Кодекслар тўплами.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 2-февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 1-мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 7-мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018-йил 8-март-“Халқаро хотин-қизлар куни” байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи.